

Энг мукаррам инсон



08:00 / 22.01.2021 2226

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Эй Аллоҳнинг Расули, энг мукаррам инсон ким?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Тақводорлар**», дедилар. «Биз бу маънода сўрамадик», дейишган эди, «**Халилуллоҳнинг ўғли Набийюллоҳнинг ўғли Набийюллоҳ Юсуф**», дедилар. Яна: «Биз бу маънода сўрамадик», дейишди. У зот: «**Мендан арабларнинг хулқ-атвори ҳақида сўраяпсизларми? Уларнинг жоҳилиятда яхши бўлганлари Исломда ҳам яхшилари бўлади, агар ақлли бўлсалар**», дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан